



Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддаси.

ERURSEN SHON, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

45  
(790)-son

9-noyabr

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

Цюрих (Швейцария) институти олимлари тармоққа уланган мобил телефонлардан видеокузатув тизими сифатида фойдаланиш имконини берувчи дастур ишлаб чиқиди.

Facet дея аталувчи ушбу дастур бир нечта қўл телефонларининг Bluetooth симсиз алоқа воситаси орқали ўзаро видеоахборот алмашинувини таъминлайди. Мазкур жараёнда махсус алгоритмлар телефонлар оралик масофаларини ўлчаш ҳамда камералар объектида акс этадиган воқеийликларни таҳлил қилишга хизмат қилади. Масалан, биронта объект телефон камераси "назари"га тушса, у шу заҳоти сигнални иккинчисига узатади, яна бир телефон мунтазам равишда GPRS канали орқали компютерни маълумот билан таъминлаб туради. Шу тариқа тўлақонли видеокузатув тизимини йўлга қўйиш мумкин. Махсус қурилмалардан фойдаланишнинг иложи бўлмаган дала шароитида бу восита жуда қўл келиши шубҳасиз.

23 ДЕКАБР  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти сайлови куни



## ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

Жорий йилнинг 2 ноябр куни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мазкур комиссия матбуот марказида жамонат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳи билан учрашди. Ушбу тadbир муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови-га бағишланди.

Марказий сайлов комиссияси раиси йиғилганларга сайлов кампанияси бошланганидан буён амалга оширилган ишлар, қабул қилинган қарорлар, ташкил этилган тadbирлар ҳақида батафсил маълумот берди. Утган давр мобайнида Марказий сайлов комиссияси қарорларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Президент сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилиб, уларнинг шахсий таркиби тасдиқланди. Ҳозирда жойларда участка сайлов комиссияларини ташкил қилиш жараёни давом этмоқда.

Сайловда иштирок этишга ижозат сўраб мурожаат этган бешта сиёсий партия ҳамда битта сайловчилар ташаббускор гуруҳига сайловда иштирок этиш учун ижозат берилди.

Сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказиш жараёнларини ҳолисона ёритишга оид битим имзоланди. Шунингдек, округ сайлов комиссиялари раислари, котиблари ва матбуот хизматларининг ходимлари учун семинарлар ўтказилди.

Яқинда эса Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг қурултойлари бўлиб ўтди. Қурултойларда ушбу партиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг дастурий маърузалари тингланди. Уларда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислоҳ Каримовни, Ўзбекистон халқ демократик партиясидан Аслиддин Рустамовни, "Адолат" социал-демократик партиясидан Дилором Тошмухамедовани, Фидокорлар миллий демократик партиясидан Аҳтам Турсуновни, "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Хуршид Дўстмухаммедовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.



## Эзгулик эзгуликка йўл очади

Меҳр ва мурувват, саховат одамларни бир-бирига яқинлаштиришга, ўзаро оқибатни кучайтиришга хизмат қилувчи омиллардир. Мамлакатимизда ҳар бир йил алоҳида бир ном билан аталиши, бу йиллар инсон омилига бўлган эътиборни янада кучайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий чоралар билан бир-бирини тўлдириб бориши замирида ҳам ана шу мақсад ётганлиги сир эмас.

4-5-БЕТЛАР




ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 ноябр куни Оксаройда Россия Федерацияси ҳукмати раиси Виктор Зубковни ҳамда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэн Цзябаони қабул қилди.**

Учрашувларда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизқитириш бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ Тошкентда 2 ноябр куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Узро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган мулоқот чоғида ШХТ ўз тараққиётининг янги босқичига чиқаргани, Бишкек саммитида имзоланган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунинг учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 ноябр куни Оксаройда Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка оид ва томонларни қизқитириш бошқа масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.**

✓ Матбуотда "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари эълон қилинди.

✓ **Мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён 5 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлубов билан учрашди.**

Музокарада икки мамлакат ички ишлар вазириликларининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, соҳада янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

✓ Пойтахтимизда 7 ноябр куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар бош прокурорларининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар прокуратура органлари фаолиятининг долзарб йўналишлари бўйича идоралараро ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Навбатдаги мажлисини 2008 йилда Хитойда ўтказишга келишиб олинди.

✓ Тошкентдаги Марказий офицерлар саройида жорий йилнинг 14-21 октябр кунлари Хиндистоннинг Хайдарабод ва Мумбаи шаҳарларида ўтказилган IV Умумжаҳон харбий ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган харбий спортчиларни таъдирлаш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари терма жамоаси аъзолари беллашувларда бешта олтин, иккита кумуш ва еттита бронза, жами ўн тўртта медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида кучли еттиликдан жой олди.

✓ "Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтказиб келинаётган "Экология ва саломатлик кўнлари"нинг учинчи босқичи доирасида давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб умумреспублика экологик ҳашари ўтказилди. Унда 8 миллиондан зиёд киши иштирок этди.

✓ Самарқандда "Адвокатларнинг замонавий ҳолати, муаммо ва ривожланиш истиқболлари" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси ва Москва вилояти адвокатлар палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда юртимиз ва россиялик адвокатлар билан бирга Литва, Латвия, Қозғистон ва Озарбайжон республикаларидан ҳам вакиллар иштирок этишди.

## Биринчи йил "баракаси"

Ахборот-ресурс маркази (АРМ) раҳбари Ҳамид Тўрақулов собиқ болалар кутубхонаси билан йўлга қўйилган янги тизимни таққослай бошлади. Дарҳақиқат, у ҳақ эди. Илгари китоб фондиди сақлаш, китобхонлар билан ишлаш асосий вазифа бўлган. Эндиликда буйўналиш ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборот олишга бўлган талабини қондира олмади.

— Шу жиҳатдан олганда, Президент қарори ўз вақтида эълон қилинди, — дейди Ҳамиджон фикрини давом эттираркан. — Мана,

осон эмас. Энг муҳими, улар меҳрини қозониш керак. Адолат Худойқулова ўз тажрибасида бунинг яққол сездди. Шу боис, у собиқ болалар кутубхонасининг айрим ходимлари каби кадрдон жамоасидаги ўз ўрнини йўқотмади. Аксинча, замонавий услубда ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишга интилади.

Ҳаммаси Муқаррам Ҳусайнова билан Тошкент шаҳридаги Авлоднинг номидаги республика педагог кадрлар малакасини ошириш институтида янги тизим сирларини ўрганди. Тренерлик сертификати соҳиби бўлди. Бугун Адолатхон ҳар жабҳада намуна. Компютерда дастурлаш, электрон китобларни ин-

## Ахборот технологиялари

**Термиз шаҳрининг Фафур Гулом номидаги вилоят болалар кутубхонаси бугунги кунда вилоят ахборот-ресурс марказига айлантирилган. Танлов асосида қабул қилинган ходимлар зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Жамоа фаолиятидаги туб ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган мақсадларга мувофиқ бўлмоқда.**

ўзингиз қарор ижроси асосида бажарилган дастлабки ишларга гувоҳ бўлиб турибсиз.

Чиндан ҳам вилоят АРМ биринчи навбатда замонавий бинога эга бўлди. Унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Қироатхоналарга янги ахборот технологиялари, компютер жиҳозлари ўрнатилди. Интернет тармоғи орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Марказда нуска кўчириш ва кўпайтириш аппаратлари, рангли телевизор, видео, аудио магнитофонлар, DVD плер ва факс каби илғор технологиялардан фойдаланишга киришилди.

Ун урта бўлимга қўйилган компютерлар локал тармоққа уланди. Интернетдан фойдаланувчиларга кўник маълумотлар етказила бошланди. Тез орада 110 миңдан зиёд номдаги босма, 4 миңдан ортқ электрон китоблардан иборат база яратилди. Вилоят АРМ 34 номдаги вақт-ли матбуот нашрларига обуна бўлган. Илк бор "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" вилоят кўрик-танлови ўтказилиб, унда Бандихон, Термиз ва Шеробод туманларидаги шахобчалар голиб бўлишди. Совриндорларга вилоят ахборот-ресурс марказининг 497521 сўмлик янги китоблари совға қилинди.

## Адолатхон олдинда

Ҳамид Тўрақуловдан олинган энг сўнгги маълумот ҳам бизни мамнун этди: жорий йилда туманлардаги ахборот-ресурс марказлари 20 миллион сўмлик янги адабиётлар билан таъминланди. Йил бошидан буён эса унинг асосий қисми, яъни лотин алифбосидаги китоблар келтирилди.

Еш китобхонлар билан ишлаш

тернет тармоғига жойлаш, жойлардаги АРМ ходимларига амалий ёрдам кўрсатиш каби серқирра юмушларни бинойидек бажариб, ҳаммаша олдинда бормоқда.

А.Худойқулова нафақат фидойиллик, балки ташаббускорлик фазилати билан ҳам ажралиб туради. Вилоят ахборот-ресурс марказида ташкил этилган "Энг яхши китобхон" кўрик-танловида унинг ташкилотчилик роли катта бўлди. Танловнинг вилоят босқичи голибини аниқлашда адолат мезонига амал қилинди. Натижада Жарқўрган туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқувчиси Матлуба Абдусалимова "Энг яхши китобхон" деб топилди.

## Кемтик қалбларда умид уйғотиб

Ахборот-ресурс маркази амалдаги «Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури» доирасида ҳам савоб ишларни олиб бормоқда. Термиз шаҳрида жойлашган ногирон болалар махсус ўқув марказидаги 16 нафар болага ахборот кутубхона хизмати кўрсатишни жамоа ўз зиммасига олган. Бундан ташқари, Соҳиба Раҳимқулова ҳамда Бозоргул Бобоқонова каби тажрибали ходимлар иштирокида сайёр гуруҳ аъзолари хонадонлардаги ногирон болаларни маърифат ёғдуларидан баҳраманд этишмоқда.


Шаҳарнинг Фарҳод маҳалласида истиқомат қилаётган ака-ука ногиронлар — Умид ва Хуррам Бекпўлатовларнинг зиёкор опаларини соғиниб туришлари беҳиж эмас. Бозоргул бу гал уларга шоира Турсуной Содикованинг "Ризолик излаб" асаридан лавҳалар ўқиб берди.

## ARM HAYOTIDAN

Болалар ўзларини қизқитириш таволлар билан мувожаат этишди. Сарбиячи-кутубхоначи эса ширин тил ва ҳушдилик билан жавоб қайтарди.

Ўзгалар ёрдамига ва ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар иштирокида ўтказилаётган тадбирлар ҳам эътиборга моликдир. Яқинда "Саховатчилик — улуг нёмат" мавзусида кўргазма ташкил этилди. Кўзи ожиз болалар билан шуғулланаётган кутубхоначиларнинг кўрик-танлови кўпчилида катта таассурот қолдирди. Унда вилоятнинг барча туманларидан вакиллар иштирок этди. Вилоят кўзи ожизлар жамяи-

## асосида



ти кутубхонасининг ўқув зали мутасаддис Нарғиза Мамадалиева "Энг меҳрли кутубхоначи" номиницияси бўйича голиб бўлиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўланма олди.

Ҳа, кемтик қалбларда эртанги кунга умид уйғотиб яшайтган бу опа-сингилларимизнинг меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтилса арзийди.

## АРМ истиқболига назар

Табиийки, тобора шаклланиб бораётган замонавий кутубхона ходимига қўйиладиган талаб йил сайин ошиб боради. Ахборот технологиялари асосида ишлаш, ахборот манбаи қандай масофада турганидан қатъи назар, унга тезкорлик билан эга бўлиш имконини бормоқда. Келгусида эса бу жараён янада мукамаллашади. "Электрон кутубхона", "Виртуал кутубхона", "Автоматлаштирилган кутубхона" каби янги турдаги тизимлар вужудга келади. Таъкидлаш жоизки, замонавий, автоматлаштирилган кутубхоначи яратиш осон иш эмас. Бунинг учун юқори малакали касб эгалари — дастур тузувчилар, тизимлаш техниклари зарур. Зеро, бугунги кутубхоначидан ҳар томонлама етук тарғиботчилик, тарбиячи-педагогик ва маърифатчилик қобилияти талаб этилиши табиий.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
"Xabar"нинг Сурхондарё  
вилоятидаги муҳбири

## KO'RIK-TANLOV

## Энг яхши почта хизматчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини кенг тарғиб қилиш, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турларини кўрсатиш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ тизимида "Энг яхши почта хизматчиси" республика кўрик-танлови ташкил этилди.

Кўрик-танловда ҳозирги кун талабига мос жиҳозланган, юқори даражада хизмат кўрсатувчи, сифат кўрсаткичлари намунали бўлган, шикоят ва эътирозларисиз ишлаган почта алоқаси бўлимлари бошлиқлари қатнашди.

Танловнинг туман-шаҳар босқичи жамяятнинг барча филиалларида ўтказиб бўлинди. Вилоят босқичи ноябрда, республика босқичи эса декабр ойида ўтказилади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ  
матбуот хизмати

● ANJUMAN

# Жараён

**Хукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор туфайли Ахборот-ресурс марказларининг (АРМ) замонавий технологиялар билан таъминланиши жуда кувонарли ҳолдир. Бироқ ўша технологияларни тўғри ва самарали ишлата билиш учун АРМнинг ҳар бир ходими юқори малакали компьютер саводхонлигига эга бўлиши зарур.**

Шуларни инобатга олган ҳолда Самарқанд вилояти А.Пушкин номидаги ахборот-кутубхона маркази (АКМ) раҳбарияти Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорликда "Таълим жараёнида кутубхона: Мактаб ва оммавий кутубхоналар ўртасидаги чегара. Китобга бўлган муҳаббатни ривожлантириш бўйича немис лойиҳаларининг мисоли" мавзусида конференция уюштирди. Бунда вилоятдаги мавжуд 60та АКМ ва АРМ директор ва методистлари қатнашди.

Анжумани Бавария маориф ва таълим вазирлиги қришидаги мактаб кутубхоналари иши сифатини ошириш бўйича дастур раҳбари Генрих Рух олиб борди. Шу билан бирга, кутубхона томонидан мактабга ва таълим жараёнига кўрсатилаётган ёрдам, бошланғич синфдан юқори синфгача бўлган ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқишни ошириш, оммавий ва мактаб кутубхоналари ўртасида ҳамкорлик моделлари тўғрисида Германияда олиб борилётган ишлар мисол тариқасида келтирилди.

— Кутубхоналарни ахборотлаштириш жараёни Германияда бундан 12 йил олдин бошланган бўлиб, ҳозир ҳам бу ишлар давом этапти, — деди Г.Рух. — Мен Тошкент, Самарқанд АКМ ва АРМларида олиб борилётган ишларни кўриб хурсанд бўлдим. Шу жараёнларда биз йўл қўйган хато ва камчиликлар сезиларда ҳам такорланмаслиги учун бугун ўз мисол ва лойиҳаларимни Ўзбекистондаги ҳамкасбларимга тавсия қилапман.

Анжуман кун давомида баҳс-мунозара ва савол-жавоб тариқасида давом этди.

**Маҳбуба КУЛОВА,**  
Ахборот-кутубхона маркази ходими

● TAQDIMOT

Электр чироқлари ишлаб чиқаришдан фаолиятини бошлаган Toshiba компанияси вақт ўтиши билан офис ва ҳўжалик электроникаси бозорининг етакчисига айланди. 1875 йилда ташкил топган

пютер (Т1100) ишлаб чиқарилди. Шундан буён Toshiba жаҳон ноутбуклар бозорининг етакчиларидан бири ҳисобланади.

Ўтган ҳафтада "DEDEMAN" меҳмонхонасида Toshiba ком-



## TOSHIBA ноутбуклари Ўзбекистонда



паниясининг ноутбуклари тақдими ўтказилди. Тадбир AGATA IMPEX Ltd компанияси томонидан ташкил этилди. Унда ушбу компания раҳбарлари, мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотларнинг ахборот технологияларига масъул бўлган мутахассислари ва журналистлар иштирок этишди.

Семинар-тақдимотда Toshibaнинг Москвадаги ваколатхонаси мутахассислари Игор Жицкий ҳамда Артём Бабиковлар ушбу туркум ноутбукларининг имкониятлари ва қулайликлари ҳақида маъруза қилишди. Ўзбекистон бозори

учун тақдим этилган Satellite, Tecra, Qosmio, Portege каби ноутбукларнинг ҳар бири ўзига хос устуликларга эга эканлигини таъкидлаб ўтишди. Бир метр балангликдан тушиб кетганда ҳам ҳеч қандай зарар етмаслиги, Bluetooth орқали уяли телефон билан симсиз боғланиш, мобил телефонни унга уламасдан туриб зарядлаш, бармоқ излари ёрдамида (кўпсонли парол ўрнига) ноутбук тизимига хавфсиз боғланиш каби имкониятлар мавжудлиги шулар жумласидандир.

Лутфилло ТУРСУНОВ

● XUSHXABAR

## Навоийдан Москвага илк парвоз

Нихоят, навоийликлар меҳмонларни "ҳаво кemasи"дан кутиб олиш шарафига муяссар бўлишди. Бу ерда халқаро андозаларга мос аэропорт ишга тушди. Шу муносабат билан унинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда аэропорт бошлиғи Б.Муйинов тўплаганларни вилоят ҳаётидаги ушбу муҳим янгилик билан самимий қўтлаб, бу улкан ишшоотнинг сифатли қурилишида иштирок этган қурувчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан меҳмонлар ва юртдошларимиз мазкур имкониятдан хурсанд эканликларини, халққа ана шундай қулайликларни яратиб берган ҳукуматимиздан беҳад мамнуликларини изҳор қилдилар.

31 октябр кечки вақтда янги "ҳаво дарвозаси"дан Андижон-Навоий-Москва йўналиши бўйича самолёт ҳавога кўтарилди. Ўттиз киши биринчи парвоз йўловчиси бўлишди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
"Хабар"нинг Навоий вилоятидаги муҳбири



# Тараққиёт асоси

**Инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўзгаришларнинг амалга оширилишида муайян ғоялар алоҳида ўрин тутлади. Жамият тараққиётининг маълум бир даврларда тезлашуви ёки секинлашуви, ижобий ёки салбий ўзгаришларнинг рўй бериши жамиятда қандай ғоялар ҳукмронлик қилиши, улар қандай кучларни ҳаракатга келтириши, қайси ижтимоий қатламнинг манфаатларига хизмат қилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.**

Президентимиз Ислам Каримовнинг жамият мафқураси хусусидаги мулоҳазалари нафақат унинг зарурлигини кўрсатади, балки яратувчанлик салоҳиятини ҳам очиб беради: "Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши мукаррам... Жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафқураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддоси бўлмаса, у мукаррар равишда инқирозга юз тутлади... Жамиятимизнинг мафқураси шу жамиятнинг таянчи бўлиши оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим".

Миллий истиқлол мафқурасида давлатимизнинг узоқ тараққиёт истиқболлари, жамиятимизнинг пировард мақсадлари ифодаланади. Халқимиз эса ўз олдига қўйилган мақсадларни

қанчалик аниқ тасаввур қилса, келажакда қурилажак давлат қиёфасини қанчалик равшан кўз олдига келтирса, унинг ҳаракатлари шу қадар қатъият касб этади, мақсадлар сари онгли фаолият бошланади, ижтимоий санғарбарлик кучаяди. Демак, миллий истиқлол ғоясининг тарғиботи орқали нафақат инсонларга ушбу мақсадларни кўрсатиб бериш, балки уларни шу мақсадларга эришиши мумкинлигига ишонтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тарғиботнинг таъсирчанлигини ошириб, миллионлаб кишиларни демократик ислохотларга жалб қилишдан, демакки, қудратли давлат қуришда ана шу миллионлаб кишиларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланишдан манфаатдорлигимиз ортиқча асослани талаб этмайди.

Миллий истиқлол ғоямиз жамиятни жиқлаштиришга, буюк келажак йўлида ҳамжихатлик билан ҳаракат қилишга, барпо этилаётган демократик дав-

лат ва фуқаролик жамиятида ҳар бир юртдошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига хизмат қилади. Жаҳон тарихидан, жумладан, халқимизнинг ўтмишидан ҳам, қайси соҳада бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга, албатта, улугвор ғоя керак эканига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жаҳон таърибасига назар ташласак, дунё тараққиётига катта таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафқураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Бундай мутафаккирлар ўз даврида ўзи мансуб халқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик ғояларни яратганлар. Бу борада инсониятга "ўзини англамоқ буюк соадат" эканлигини англаган Сукрот ҳам, "халқни яққалам қилдим", дея қониқш хиссини туйган Навоий ҳам, Ҳиндистон озодлиги йўлида умрини бахшида айлаган Маҳатма Ганди ҳам бугунги авлодлар учун ибрат намунаси бўлган улуг инсонлардир.

Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик хисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар тўғилаверади. Миллий ғоя ва мафкура ўзидан инсонпарварлик талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзга чиқаришга кучли туртки беради. Масалан, XX асрда дунё ҳамжамия-

ти томонидан тан олинган японча тараққиёт моделини олайлик. Япон миллий мафқураси "миллий давлатчилик тизими" (кокутай), "фуқаролик бурчи", "япон руҳи", "фидойилик", "ватанпарварлик", "жамоага садоқат" каби ғоя ва тушунчаларда акс этиб, ушбу мамлакатнинг бугунги кунда эришган юксак натижаларига мустаҳкам ғоявий пойдевор бўлди.

Мамлакатимиз ҳам истиқлолга эришган кундан бошлаб Юртбошимиз Ислам Каримов бошчилигида ва раҳнамолигида ўзининг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олди ва бу йўлдан оғинамай одимламоқда. Албатта, эришаётган ютуқ ва муваффақиятларимизда миллий истиқлол ғоямиз, миллий мафқураимиз муҳим омил бўлмоқда. Ўзидан ўзбеккагина хос бўлган инсонпарварликни, бағрикенгликни ифода этган, миллатлараро тотувликни рўёбга чиқара олган, диний ва миллий урф-одатларимизни мустаҳкам этган миллий мафқураимизга таянган ҳолда тараққиёт томон дадил одимлаётган юртимиз, бир сўз билан айтганда, дунёга Ўзбек моделини тан олдириб. Бу эса жаҳон ҳамжамиятининг бизга нисбатан улкан эътирофидир.

Шу кунларда мамлакатимиз қизгин сиёсий жараён оғушида яшамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кетмоқда. Халқимиз ушбу тадбирга шарқона дошинамизлик ва босқилқ, ўзбекана андиша ва издатхурмат, донолик ва ақл билан ёндашмоқдаки, бу ҳам миллий мафқураимизнинг фуқароларимиз онгидан тобора чуқуროқ жой олаётганидан дарақдир.

Усмонжон Йўлдошев



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

2007 йил Ижтимоий ҳимоя йили деб аталиши билан барча жабҳаларда йиллар давомида олиб борилаётган эзгу тадбирлар янада кучайди, янги мазмун касб этди. "Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури" асосида ички имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда корхона, ташкилот ва муассасаларда махсус дастурлар тузилиб, унинг ижроси борасида кўплаб яхши ишларга қўл урилди. "Ўзбектелеком" АК "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалида олиб борилаётган ишлар билан таниша туриб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, режаларнинг ижросини таъминлашда филиал маъмурияти билан касабга уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси асосий омил бўлиб хизмат қиляпти. Ҳар бир ходимни эътиборда тутишда, уларга моддий ва маънавий кўмак беришда раҳбарият билан биргаликдаги ҳаракатнинг самараси катта, бўляпти, албатта.

— Ижтимоий ҳимоя йили бошланишида корхона раҳбари А.Газиёвнинг ташаббуси билан хайрли бир ишга қўл урилди, — дейди филиал касабга уюшмаси кўмитаси раиси Дилшод Усмонов. — Республикамиз Президентининг "Табиийки, Ижтимоий ҳимоя йилида эл-юртимизга кўп хизмати сингган, ҳозир ҳам ўзининг ҳаётини ўғитлари билан ибрат бўлиб келаётган муҳтарам фахрийлар ва пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмулли умр кечириши учун шароит яратиб бериш бўйича аввалги йилларда бошлаган ижобий ишларимизни албатта давом эттирамиз", деган сўзлари бизга дастуриламал бўлган ҳолда фахрийлар кенгашини туздик ва шу корхонада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган ажойиб инсон, кўплаб ёшларнинг устози Умид ака Сағатовни кенгаш раиси этиб сайладик. Бу эса нафақат ишлаётган ходим, балки филиалимизда ишлаб пенсияга чиққан хурматли фахрийларимизни ҳам меҳр, эътибор, рағбат огушида сақлашимизга ёрдам бўлмоқда. Чунки, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида мазкур кенгаш билан биргаликда иш олиб бораёلمиз. Шунингдек, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда шу соҳа бўйича мутахассис Махмудхон Арипова кўмакдош бўляпти.

Дарҳақиқат, филиалда ижтимоий ҳимоя борасида амалга оширилган ишларнинг салмоғи, ҳажми катта. Фахрийлар кенгаши ҳисобига турувчи 300 нафардан ортиқ пенсионерга ҳар чорак якунида, байрамларда 20 минг сўмдан моддий ёрдам берилганлиги, туғилган куни нишонланаётган ҳар бир ишчи корхона раҳбари томонидан шахсан табрикланиб, 20 минг сўмдан пул мукофоти топширилаётгани, уларнинг шифохоналарда даволанишлари учун вазиятга қараб

# Эзгулик эзгуликка

## Тошкент телеграф-телефон станциясининг ҳар бир

дори-дармон пуллари корхона ҳисобидан тўланаётганлиги, байрамларда уларни қадрдон жамоасига, бир дастурхон атрофида йиғиб, тадбир ўтказиши ва совға-саломлар улашиши, "Чинобод", "Бўстон", "Ботаника" каби нуфузли сўхатгоҳларга бепул йўлланмалар берилиши, "Сумча" оромгоҳига бир кунлик дам олиш ташкил этилиши каби ишлар шулар жумласидандир.

— Инсоннинг меҳнат жамоасида узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиқиши катта бахт аслида, — дейди филиал фахрийлар кенгаши раиси Умид ака Сағатов. — Лекин кексаларга энг ёмон таъсир қиладиган нарса пенсияга чиққандан сўнг унутилишидир. Ўзингиз ўйланг, ходим пенсияга қадар тер тўкиб меҳнат қилди. Демак, корхона ривожига унинг ҳам ҳиссаси бор. Уйда ўтирган пенсионерни ўзи ишлаган корхона раҳбари байрам билан табриклаб, телеграмма жўнатса, қадрдон ишонасига таклиф қилиб иззат-ҳурмат кўрсатса, қандай яхши! Филиалимиз раҳбари Амиржон Газиёв қариялар қадрини банд қўядиган инсонлардан бири. Ходимларга, фак-



Филиал фахрийлар кенгаши, маънавият ва маърифат бўлими ҳамда касабга уюшмаси кўмитаси аъзолари навбатдаги масала муҳокамасида.

**ЎЗИНГИЗ ҲИМОВА ЙИЛИДА ИШЛАБ ПЕНСИЯГА ЧИҚҚАН ХОДИМЛАРНИ ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ АЛБАТТА ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ", ДЕГАН СЌЗЛАРИ БИЗГА ДАСТУРИЛАМАЛ БЌЛГАН ҲОЛДА ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИНИ ТУЗДИК ВА ШУ КОРХОНАДА УЗОҚ ЙИЛЛАР САМАРАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛГАН АЖОЙИБ ИНСОН, КЌПЛАБ ЁШЛАРНИНГ УСТОЗИ УМИД АКА САҒАТОВНИ КЕНГАШ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАДИК. БУ ЭСА НАФАҚАТ ИШЛАЁТГАН ХОДИМ, БАЛКИ ФИЛИАЛИМИЗДА ИШЛАБ ПЕНСИЯГА ЧИҚҚАН ХУРМАТЛИ ФАХРИЙЛАРИМИЗНИ ҲАМ МЕҲР, ЭЪТИБОР, РАҒБАТ ОГУШИДА САҚЛАШИМИЗГА ЁРДАМ БЌЛМОҚДА. ЧУНКИ, ФАХРИЙЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЌЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА МАЗКУР КЕНГАШ БИЛАН БИРГАЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРАЁЛМИЗ. ШУНИНГДЕК, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ШУ СОҲА БЌЙИЧА МУТАХАССИС МАХМУДХОН АРИПОВА КЌМАКДОШ БЌЛЯПТИ.**

ри ва ногиронларга, кам таъминотли оилаларга яқиндан бераётган мадади, қўллаб-қувватлаши туфайли А.Газиёв Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кенгаши томонидан "Фахрий ёрлик" билан мукофотланди. Унинг ҳузурига пенсионерларга оид бирор таклиф билан кирсак, ҳеч қачон рад этмайди, қўлидан келга-

нича ёрдам беради. Меҳнат фахрийси Анастасия Ермолаева масаласида ҳам шундай бўлди. Онахон айна кексалик ёшида ўзгалар парваршига, ширин сўзга муҳтож бўлиб, ёлғиз қолди. Шунда корхона маъмурияти ва касабга уюшмаси кўмитаси уни ўз ҳомийлигига олди. У уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида жойлаштирилди ва барча харажатлар корхона томонидан тўланди. А.Ермолаева вафот этгач, дафн маросими ўтказилиб, пансионатда яшовчиларга дастурхон ёздик. Геннадий Гусаров, Надежда Бульонова каби фахрийларимиз муаммоларини ҳал этилишига ҳам ёрдам бердик.

Жорий йил давомида ишлаб турган пенсионерларимиздан 12 нафари ўз истақлари билан ишдан бўшади. Уларга жамоа иштирокида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди ва ҳар бирига маошнинг олти баравари миқдорига ёрдам пули берилди. Фахрийларимиз йил

давомида навбат билан Бухоро шаҳридаги зйёратгоҳ қадмжоларга боришди. Умуман, бизда фахрийлар пенсияга чирилли тарзда, иззат-ҳурмат билан кузатиладилар. Аввало, ишлаган цехи ходимлари, сўнгра раҳбарият томонидан пенсионернинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилади, тўн ва дўппи кийдирилади, белбоғ боғланади. Сўнгра ёрдам пули билан биргаликда ўзи истаган сўхатгоҳга йўлланма берилади. Пенсиядалиги вақтида ҳам истаган масалада мурожаат қилиши мумкинлиги таъкидланади.

Таҷрибалардан маълумки, қайси корхонада ходимлар меҳнати қадрланса, ўша жойда ютуқлар ҳам ўз-ўзидан кўпаяверади. "ТошТТ" филиалида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Корхонамизда яхши анъана йўлга қўйилган, — дейди Дилшод Усмонов. — Эҳтиёжи бор ходимларимиз корхона ҳисоб рақамидан фоизсиз кредит олишлари мумкин. Олинган қарз эса ярим йил давомида ойлик маошларидан ушлаб қолинади. Бу йил 29 нафар

# Ijtimoiy himoya yili

**Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддаси.

Ходим ана шундай имкониятдан фойдаланди. Уларнинг 21 нафари пулларни контракт-шартнома асосида олий ўқув юрларида ўқитган фарзандлари учун, қолганлари коммунал тўловлар учун сарф этишди. Ҳар йили куз ойларида киши сабзавот учун ишчи-хизматчиларимизга пул ажра-

берилади. Ишчилар малакали шифокорлар томонидан тиббий кўриқдан ўтадилар. Лозим топилганларга шифохонада, айримларга сихатгоҳда даволанишлари учун моддий кўмак берилади. Улар корхонадаги тиббий хонада муолажа олишлари ҳам мумкин. Бунда керакли дори-дармоннинг

маънавият хонаси доимо одамлар билан мавжуд. Ходимлар бу ерда республикамизда чоп этиладиган газета-журналлар билан танишишлари мумкин. Бой китоб фондига эга бўлган кутубхона ҳам ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Вақти-вақти билан маъруза ва суҳбатлар ўтказилиб турилибди.

Болалар — бизнинг келажакимиз, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчилари. Эртанги кунимизнинг нечоғлик порлок, фаровон ва завқли бўлиши бугун боғчаларда тарбияланаётган, мактабларда таълим олаётган болаларимизнинг саломатлиги ва салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Филиал ходимларининг фарзандлари соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда уларга моддий ёрдамлашиш борасида ҳам бир қатор тadbирлар амалга оширилаётганлиги қувончлидир.

— Филиалимизда ҳар йили Мустақиллик кuni, ўқув йилининг бошланиши олдидан "Ассалом, мактаб!" тadbирини ўтказиш анъанага айланган, — дейди касаба уюшмаси кўмитаси расиси ўринбосари Карима Убайдуллоева. — Бу тadbирда корхона ишчи-хизматчиларининг илк бор мактаб оstonасидан хатлаб ўтишга ҳозирланаётган фарзандлари иштирок этишиб, шеър ва ашулалар айтадилар, рақсга тушадилар ва энг яхши иштирокчилар алоҳида мукофотланишади. Касаба уюшмаси кўмитаси ҳисобидан бўлажак ўқувчиларнинг ҳар бирига 25-30 минг сўмлик буюмлар — мактаб сумкаси, ўқув қуроллари тақдим этилади. Бундан ташқари, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларга ҳам ўқув қуроллари совға қилинади.

Болаларни ёзги соғломлаштириш масаласи алоҳида эътиборда. Бу йилги мавсумда ишчи-хизматчиларнинг 45 нафар фарзанди тоғ ён бағрида жойлашган "Алоқачи", "Нилуфар" оромгоҳларида хордиқ қаришди.

— Бизда ҳамма бўлиб дам олиш кенг йўлга қўйилган, — дейди корхона ходимаси Марина Лебедева. — Ҳар йили ходимлар фарзандлари билан биргаликда "Сумча", "Кумушкон", "Чимён" дам олиш масканларида қисқа муддатли таътилда бўладилар. Пойтахтимиздаги хоҳлаган театр, цирк ёки чўмилиш ҳавзасига текин чипта олиш мумкин.

— Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилаётган барча эзгу амаллар корхона иқтисодига бориб тақалиши табиий, албатта, — дейди Умид Сағатов. — Минг бора шўрки, ишчи-хизматчилар ўзларига кўрсатилаётган рағбатнинг қадрига етадиган инсонлар. Улар иш вақтининг ҳар бир сониясидан унумли фойдаланишади, меҳнат интизомига қатъий риоя қилишади. Шу боис, корхонамизда кўзга кўринарли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Кейинги йилларда корхонамиз цехларидаги эски технологиялар замон талабига мос техникаларга, энергетика тизими янги, замонавий жиҳозларга алмаштирилди. Бу борадаги ишларда директор ўринбосари Шухрат Каримов бошчилик қиладиган техника кенгашининг роли катта бўляпти. Кенгаш аъзолари бозор иқтисоди шaroитида рақобатда энгиллик қолмаслик, иш ўринларини тўлиқ сақлаб қолиш, аҳолига хизматнинг янги турларини жорий этиш, шунингдек, халқаро телефон қарточкалари, конференцалоқа, IP-телефония борасидаги хизматни татбиқ этиш каби масалалар билан жиддий шуғулланишмоқда. Корхонада мутахассислар малакасини ошириш масаласига катта аҳамият берилиб, янги технологиялар буйича ўқувлар ташкил этиляпти. Бу



ерда "Устоз-шогирд"лик муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Узоқ йиллардан бери корхонамизда фаолият кўрсатаётган Артур Войцеховский, Малик Ҳошимов, Султонмурод Шукуров каби мутахассислар ўз билим ва тажрибаларини ёшларга бажонидил ўргатмоқдалар. Айни пайтда дам олаётган фахрийлардан Обид Қорабоев, Ҳикмат Ҳозиев, Нина Габриляналар ҳам корхонага тез-тез келиб, ёшлар билан мулоқотда бўлишади ва улардан ўз ёрдамларини дариг туттирмайди.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ҳамда Чилонзор тумани ҳокимий тақлифига биноан корхона ишчи-хизматчилари поятхони ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш тadbирларида ҳам фаол иштирок этишди. Туманининг Ал-Хоразмий мавзесидagi "Бўстон", "Тулистон", Ал-Хоразмий ва бошқа маҳаллаларидаги кўп қаватли уйлар йўлаклари корхона ҳисобидан таъмирланди. Мавзеда болалар ўйин майдончаси қурилиб, ўриндиқлар ўрнатилди. Шунингдек, ўшбу маҳаллаларда яшовчи икки нафар ногиронга ногиронлик аравачаси олиб берилди. 9 май — Хотира ва қадрлаш кунинда шайхонтоҳурлик 30 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчи ва ногиронларига совғалар топширилди. Филиалимизда ишлаб айни пайтда дам олаётган, кам таъминланган, ётиб қолган беморларнинг телефонларига абонент тўлови борасида ҳам ёрдам берилаётир.

Ҳа, дуо билан эл қўқарар, деган мақол бежиз юзга келмаган. Қаерда бошларидан кўплага яхши ва ёмон кунларни ўтказган, умрини юрт ровожига бахшида этган, ҳаёт синовларидан муваффақият билан ўтиб, кексалик ёшига етиб келган фахрийларга, кўнгли ярим ногирон ҳамда муҳтожлар қалбига яхшиликдан, меҳрдан малҳам қўйилар экан, ўша жойга барака ёғилаверади.

Юртимизда қисқа фурсат ичида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларида, барча жабҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларда, жаннатмонанд Ўзбекистон жамолининг кундан-кунга ўзгача тароватга эга бўлаётгани ҳамда одамлар руҳиятидаги жўшқинликда корхона ва ташкилотларда, пировардида республика миқёсида бажарилаётган эзгу ишларнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта.

"Ўзбектелеком" АК "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалида олиб борилаётган яхши ишлар бундан кейин ҳам давом этади. Зеро, эзгулик эзгуликка йўл очади.

Муборак МИРКАМОЛОВА,  
"Xabar"нинг махсус мухбири

## Йўл очади

ходими доимий эътиборда

тиб келинмоқда. Уларнинг ҳар бири туғилган кунинда 20000 сўмдан моддий рағбатлантирилади.

Биз корхона ишчи-хизматчилари билан ҳам суҳбатлашдик. Улар корхонада яратилаётган шароитдан мамнун эканликларини аширмадилар.

— Киройи ишхона шундай бўлса, — деди узоқ йиллар касаба уюшма кўмитасига раҳбарлик қилган фахрий ходим Людмила Болотникова. — Корхонамизда бирор байрам йўқки, тўкин дастурхон атрофида, тантана билан нишонланмаса ва ходимлар рағбатлантирилмаса. Ҳар йили Наврўз байрамини ишонанинг ўзида сумалак пиширилади. Халқаро хотин-қизлар байрамини, албатта, бирорта шинам масканда дастурхон ёзилади.

Ўзингизга маълум, ходим соғлом бўлсагина астойдил меҳнат қиладиган ва кутилган натижага эришади. Соғлигинг — бойлигинг деб бежиз айтмайдиларку ахир. Шунинг учун ҳам корхонамизда бу масалага жиддий аҳамият

маълум қисми касаба уюшмаси кўмитаси ҳисобидан олиб берилади.

Дарвоқе, филиалда спорт ходимлар фаолиятининг ажралмас бўлагига

**КАСАБА УЮШМАСИ КЎМИТАСИ ҲИСОБИДАН БЎЛАЖАК ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲАР БИРИГА 25-30 МИНГ СЎМЛИК БУЮМЛАР — МАКТАБ СУМКАСИ, ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, 7 ЁШДАН 14 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАРГА ҲАМ ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ СОВҒА ҚИЛИНАДИ.**

айланган. Бу ерда спортнинг барча турлари билан шуғулланувчилар бор. Улар шаҳар, республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этишади ва голиблар корхона касаба уюшмаси кўмитаси томонидан алоҳида рағбатлантирилади.

Инсон маънан бой, соҳа янгиликларидан тўлиқ хабардор бўлиб турмас экан, унинг ишида унум бўлмайди. Шунинг ҳисобига олиб ташкил этилган



# Новости в сфере ИКТ

## IBM УВЕЛИЧИТ РАСХОДЫ

Компания IBM планирует в будущем году увеличить расходы на разработку различных решений в области компьютерной безопасности до 1,5 миллиарда долларов США.




По мнению аналитика Pund-IT Research Чарлза Кинга, в будущем году IBM удвоит сумму, которая ранее тратилась на аналогичные нужды. Стоит заметить, что в указанную сумму не входят расходы на приобретения технологий у сторонних компаний или поглощения других разработчиков.

В настоящее время корпорация интегрирует технологии от приобретенных компаний с собственными разработками в области сетевой безопасности. В ближайшем будущем IBM существенно расширит функционал своих разработок, чтобы извлечь своих клиентов от необходимости пользоваться услугами сторонних компаний.

Между тем, по мнению аналитиков, в секторе сетевой безопасности IBM ожидает серьезная конкуренция со стороны таких компаний, как Hewlett-Packard и EMC, которые в последнее время также инвестируют большие средства в исследования и разработки технологий безопасности, сообщает Associated Press.

## HP ВЫПУСТИЛА МЕДИАЦЕНТР С СЕНСОРНЫМ ДИСПЛЕЕМ

Компания Hewlett-Packard начала продажи настольного мультимедийного компьютера TouchSmart IQ775, позиционирующегося как качество семейного информационного центра.



ПК TouchSmart IQ775 оборудован сенсорным девятнадцатидюймовым дисплеем и веб-камерой, а в комплект поставки входит специальное программное обеспечение HP SmartCenter, предоставляющее удобный и быстрый доступ к средствам общения и планирования. По замыслу разработчиков, через медицентр члены семьи будут оставлять друг другу голосовые и видеосообщения, инструкции или текстовые заметки. Кроме того, новинка поможет распланировать день.

## 59 МИЛЛИОНОВ ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ СЕТИ ЧИТАЮТ ГАЗЕТЫ ОНЛАЙН

Количество посетителей сайтов американских газет в третьем квартале 2007 года увеличилось на 3,7%, сообщает Reuters.



Онлайновые СМИ сегодня читают более 59 миллионов (37,1%) пользователей интернета. Годом ранее сайты печатных изданий регулярно посещали 56,9 миллиона человек. По подсчетам Nielsen/NetRatings, чтению «газетных» сайтов интернетчики уделяют в среднем 43 минуты в месяц.


Результаты исследования Nielsen привлекли внимание американской Ассоциации издателей газет. С учетом того, что недавно Tribune, Gannet, McClatchy и ряд других издательств сообщили о снижении доходов с рекламы в газетах. Тенденция притока рекламодателей в онлайн описана и в отчете, в котором указывается, что прибыль с онлайн-рекламы постоянно растет, а к печатным версиям газет рекламодатели проявляют все меньший интерес. Обеспокоенная таким положением дел Ассоциация собралась выпустить на эту тему отдельный доклад, чтобы убедить рекламодателей в том, что и в печати они получают необходимую им целевую аудиторию.

По оценке Nielsen, недельный охват новостными ресурсами взрослой аудитории составляет 77%. 65% приходится на читателей 18-24 лет, и 69% - люди от 25 до 34 лет.

Также подчеркивается, что степень привлекательности онлайн-новых СМИ для читателей прямо пропорциональна уровню их образования и дохода.

### АФОРИЗМ

Как у плода есть и ядро, и кожа,  
Так у людей: есть друг и враг есть тоже.  
Алишер НАВОИ



## ВИРУСНЫЙ ХИТ-ПАРАД

Компания «Лаборатории Касперского» подвела итоги анализа вирусной активности в интернете в прошлом месяце.

По данным «Лаборатории Касперского» в конце октября киберпреступники осуществили две массовые рассылки вредоносных программ. В первом случае злоумышленники попытались незаконным путем получить персональную информацию о пользователях платежной системы «Яндекс.Деньги». Для этого мошенники создали несколько десятков поддельных сайтов и осуществили массовую рассылку писем от имени администрации сервиса. В письмах получателю предлагалось перейти по указанной ссылке и подтвердить свои регистрационные данные. Однако из-за ошибки, сделанной при составлении ссылки, при нажатии на нее в клиентах Microsoft Outlook/Outlook Express фишерский сайт не открывался.

Вторая атака была более результативной. Электронную почту наводнили письма, содержащие в качестве вложения PDF-файл, эксплуатирующий опасную дыру в продуктах компании Adobe. При открытии такого PDF-документа происходило выполнение вредоносного кода, в результате чего в систему жертвы загружался троян PDF-URI.k.

— Шаҳардаги 9-алоқа бўлимидан Улфатхон Бердибекова, "Мўян" алоқа бўлимидан Ҳамида Ҳамидова, "Қўқорчи" алоқа бўлимидан Аҳмадлло Абдунов, "Валик" алоқа бўлимидан Усмонов, Чинқорраевлар ниҳоятда яхши ишлашади. Барча белгиланган режаларни ортини билан бажаришади. Обунани ҳам, газета-журналлар сотувини ҳам...


Шуни таъкидлаш кераки, тўққиз

куллари осон бўлаётганидан беҳад хурсанд. Бу хизмат тури йўлга қўйилганига эндигина ярим йил бўлди ва бу борадаги режа ҳам 125 фоизга бажарилишига эришилди.

Почтачи билан мулоқотдан билдимки, улар аҳолига кўплаб хизматлар кўрсатсалар-да, газета ва журналлар обунаси, уни тарқатиш ва сотиш хизмати анча кўнгилли.

— Бўлмасам-чи, — дейди Лена чеҳраси янада ёришиб, — газета — бу ҳаёт, бу — маънавият, бу — гўзаллик. Бу йўлда шижоат кўрса-

## Устоз ўғитлари



ойлик даромад режаларининг режадаги 55 млн. сўм ўрнига 62 млн. сўмга адо этилишида уларнинг, жумладан, Елена Собированинг ҳам хиссаси салмоқли.

Шаҳарда алоқа хизмати тобора яхшиланаётганини эътироф этишди. Халқроқ сўзлашувлар тақдим этилаётганлигини, узоқлари яқин, муш-

тиш эса ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ишларингизда омад ёр бўлаверсин, маънавият хизматчилари.

**Ҳафиза САЛҲОВА,**  
"Xabar"нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

## ● АКТ ТА'ЛИМ ТИЗИМИДА

**Фуқароларнинг ахборотга ошиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш муҳим вазифа саналади. Жойларда фаолият кўрсатётган ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежлари зиммасига ҳам ёшларга янги давр технологияларини ўргатиш, ўқитиш, касбга йўналтириш юклатилган.**

## Тўхфа

Таълим ва ўқитишнинг янги усуллари фойдаланиш, ёшларнинг имкониятлари ва изланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш кўплаб истеъодларнинг кашф этилишига замин яратиб бермоқда.

Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчи ёшларнинг эришаётган ютуқлари фақат касбий таълимда эмас, балки жамоат ишларида ҳам яққол кўзга ташланади. Жумладан, 3-босқич талабаси Искра Ғатина Ўзбекистон хотин-қизларининг жаҳмиёт тараққиётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш, интернет ва компютернинг кенг имкониятларини аёллар ўртасида оммалаштириш мақсадида 2006-2007 йилларда ўтказилган «Интернет фестивали»да иштирок этиб фахрли биринчи ўрнини, Станислав Кибаткин 2006 йил Бухоро шаҳрида ўтказилган юнон-рим кураши бўйича республика миқёсидаги мусобақада 1-ўрнини, Искандар Улугов қаратэ бўйича ўтказилган республика миқёсидаги мусобақада фахрли 2-ўрнини эгаллаб, диплом билан тақдирландилар. Жорий йилнинг сентябр ойида ўтказилган «Келажак овози» республика ёшлар танловининг вилоят босқичида 2-босқич талабаси Махлиё Абдурахмонова «Тасвирий ва амалий санъат» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Талабалардан Анна Пуставова ва Азиза Муҳиддиновалар вилоят «Севинач» хотин-қизлар футбол жамоасининг фаол аъзолари ҳисобландилар.

— Коллежимиз ташкил топганига кўп бўлмаса-да, эришаётган ютуқларимиз салмоқли, — дейди коллеж директори Ҳайрат Убайдуллаев. — Компютер графикаси, ЭҲМ машиналари ва компютер тармоқларини ишлатиш, компютерларни дастурий таъминлаш ва компютер тармоқларидан фойдаланиш, техник, электрон техникка бўғумлари ва ускуналарни сифати назорати, ахборот ва коммуникация тизимлари каби йўналишларда мутахассислар тайёрлаймиз. Вилоятдаги алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхона-ташкilotлари билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган. Бу каби ҳамкорлик ТАТУнинг Қарши филиали, Қарши муҳандислик-иқтисодий институти, Қарши давлат университети билан ҳам давом эттирилмоқда.

Маълумот ўрнида шунга айтиш мумкинки, Қарши ахборот технологиялари коллежга яқинда Германия тараққиёт банки имтиёзли кредити ҳисобидан «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида замонавий компютерлар қолдирилди. Коллежининг 850 нафар талабаси эндиликда электроника, дастурлаш ва бизнес йўналишларида ушбу вилотлардан унумли фойдаланадилар.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

## ЭЪЛОН!

### ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

ФТМТМда мавжуд куйидаги вакант лавозимларга алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича олий маълумотга эга, мазкур соҳада ҳамда вакант ўринга мос йўналишларда камида 5 йил ишлаган, замонавий ахборот технологиялари билан мукамал даражада ишлай олувчи, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган фуқароларни танлов асосида ишга қабул қилади:

**Бўлим бошлиғи (электромагнит мослашуви хизмати учун радио-алоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бўйича мутахассис);**

**Бўлим бошлиғи (почта алоқаси бўйича мутахассис);**

**Етакчи муҳандис (ЎзАААнинг даврий журнали учун мутахассис).**

Ишга киришни хоҳловчилар 2007 йил 1 декабрга қадар марказнинг ходимлар бўлимига мурожаат этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 150-34-08.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Богинчамол (олдинги Ж.Обидова) кўчаси, 7-А уй.  
Мўлжал: Транспортларнинг "Бодомзор" бекати.

## Омад ёр бўлсин, СУХРОБ!

Нуробод тумани ҳудудида жойлашган сўлим гўша — Ҳазрат Довуд зиёратгоҳи ёнидаги Оқсой қишлоғида туғилиб ўсган Сухробжон Комилов ёшлигиданқ миллий кураш, арқон тортиш, югуриш, узунликка сакраш каби спорт ўйинлари билан мунтазам шугулланар эди.

Камтарин, лекин ўта зийрак бу йигит тенгдошлари ва қишлоқдошлари ўртасида салобати билан ажралиб турар, шеъринят ва адабиётга ихлоси баян эди. У барча фанлардан туман ва вилоят олимпиадаларида, қишлоқ ва туман спорт ўйинларида мунтазам қатнашиб, шарафли ўринларни кўлга киритарди.

Улгайгани сари ундаги шижоат ва марғурилик, спортга бўлган қизиқиш янада ошди. У қишлоғидаги 13-мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Самарқанд шаҳридаги Мичурин билим юртига ўқишга кирди. У техникумда гуруҳларро, ўқув юрталарро спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, "Сухроб полвон" дея ном қозонди.

Йигитлик бурчини ўташ учун 1981-1983 йиллари Сахалин ва Курил оролларида бўлган Сухроб имкониятдан тўғри фойдалана билди, бўш вақт топдики, спорт билан шугуллана бошлади. Шу сабабли, сафдошлари ўртасида тилга, эътиборга тушди. Шижоати ва спортга бўлган қизиқишини сезган рота командири унга имконият яратиб берди. У ротадаги спорт мураббийси, япон миллатига мансуб Нахамураддан қаратэ сир-асрорларини мукамал ўрганишга эришди. 1983 йили хизматдан қайтган Сухроб Шарқ якка кураши бўйича ёшларга таҳсил бериш режасини тузиб, мактаб ва ташкilotларга мурожаат қилиб кўрди, лекин руҳсат ололмади. Кейинчалик Самарқанд шаҳридаги оёқ кийимлари фабрикасида ишлаган пайтларида дам олиш кунлари ёш ихлосмандларга Шарқ якка курашини ўргата бошлади.

У ҳаракатдан тўхтамас эди. Давлатимизнинг мустақиллиги унинг фаолиятига жуда катта ёрдам берди.

Айни дамда тиниб-тинчимас С.Комилов "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиалига қарали Самарқанд шаҳар цехида йўриқчи вазифасида ишлаш билан бирга шаҳарнинг 19 ва Оқсой қишлоғидаги ўзи ўқиган мактабда спорт тўғрараклари очиб, ёшларга спортнинг таъқвон-до тури бўйича мураббийлик қилиб келяпти.

Сухроб Комилов 2007 йилнинг 10 августида пойтахтда бўлиб ўтган Республика спорт фахрийлари ўртасидаги чемпионатда (Ўзбекистон таъқвон-до (ITF) миллий ассоциацияси) биринчи ўрнини эгаллаб, жаҳон чемпионатига йўланма олди.

Биз ҳамisha изланишда бўлган қадрдон дўстимиз, 1-ДАН қора белбоғ соҳибига 2008 йили ўтадиган жаҳон чемпионатига ҳам чемпион бўлиб қайтишига омад тилаб қоламиз ҳамда Самарқанд почта филиали шаҳар цехи касба уюшмаси ҳайъат аъзоси сифатида цехда ҳам спорт ишларини ривожлантиришига ишонамиз.

**Зубайдулло ИБРОҲИМОВ**  
Самарқанд вилояти

TURMUSH CHORRAHALARIDA

SAVOL VA JAVOB

Телефон гўшагини кўтарсам, аёл кишининг мулойим овози эшитилди:

— Бу тахририятми?  
— Тўғри тушдингиз, ассалому алайкум, нима юмушингиз бор эди?  
— Мен фарғоналик Сапура аянгизман. Олдингизга борай десам,  
тўшакка миҳланиб қолганман. Агар вақтингизни аямасангиз ҳасра-  
тимни айтиб, озгина енгиллашиб олсам дегандим.  
Онахоннинг дардли ҳикояларини тингладим, бошқаларга ибрат  
бўлсин деган ниятда, исмларини ўзгартириб ёзишга қарор қилдим.

Сапура мактабда яхши ўқиди. Ота-онасининг розилиги билан тиббиёт институтига ўқишга кирди. Хаш-паш дегунча талабалик ҳам ортда қолди. Энди у олий маълумотли шифокор, ота-онасининг ҳам шодлиги чексиз эди. Лекин...

— Қизим, — деди она бир куни навбатчиликдан келган Сапурани ёнига ўтқазиб. — Сен тенгилар икки-учтадан болалик бўлишди. Анчадан бери юрагим гаш, энди қизимнинг тақдири нима бўлади, ёши ҳам ўтиб қолди деб. Бугун кўшни қишлоқдан совчилар келишибди. Йигит йўқчилик туфайли уйланолмаган экан. Камбағаллик айб эмас, қизим, нима дейсан?

Сапура уялиб, ўзларингиз биласизлар, деб қўяқолди. Кўп ўтмай тўй куни ҳам белгиланди. Қиз узатиб борган аёллар: “Эссизгина Сапура, эри билан тенг меҳнат қилиб, иморат қурмаса, уйлари бир йилга етмай босиб қолади”, деб ачиниб қайтишди.

Ҳақиқатан ҳам Сапура Файратнинг ёнига тушиб, икки жойда ишлаш бошлади. Кунора навбатчиликлар, рўзгор ишлари уни чарчата-да, ор-номус учун чидашга мажбур эди. Кўп ўтмай эр-хотин биргалишиб янги уй қуришди, рўзгорни бутлашди. Бирин-кетин фарзандлар туғилди.

Хотинининг куйди-пишдилиги асли табиатан дангаса бўлган Файратга қўл келди (бўлмаса уйландиган йигит уйини ҳеч бўлмаса тўй олдида яхшилаб таъмирлаши мумкин эди-ку). У фақат ўзини уйлар, ошқозони касаллигини баҳона қилиб, ҳар йили курорт-санаторийларда дам олар, уй-рўзгор, бола-чақа ташвишини бутунлай Сапуранинг елкасига юклаб қўйган эди. Сапура болалари билан андармон бўлиб, эридаги ўзгаришларга эътибор ҳам бермади. Кўп ўтмай болалар мактабдан учирма бўлиб, олийгоҳларда ўқишди. Уларни уйли-жойли қилиш, ишга жойлаштириш, икки қизни турмушга узатиш, ўғил уйлантириш — буларнинг ҳаммаси аёл зиммасига юкланди.

— Бир куни, — дейди онахон хўрсиниқ билан, — уйимизга қудаларим меҳмон бўлиб келишди. Шошиб ошхонага кетаётиб, қоқилиб йиқилдим. Ушанда умуртқам қаттиқ лат еган

# ТАКДИР

экан, ўрнимдан кўзгалолмай ётиб қолдим. Лекин ўғлимни уйлантиришим, бунинг учун менинг ҳаракатим кераклиги ётишга қўймади. Ўзим шифокор эмасманми, ётган жойимда турли машқларни бажара-вериб ахйири туриб кетдим. Ўғлимни уйлантирдим ҳам. Лекин пешонамга тўшакка миҳланиш ёзилган экан шекилли, иккинчи

ўзгаришга эътибор ҳам бермаган эканман-да...

— Уйни биргаликда қурган экансизлар, суд орқали ҳақингизни ажратиб олмайсизми?

— Нималар деяпсиз, болаларим, қудаларим олдида судлашиб юраманими?

Аянинг бу қатъий фикрини эшитиб ҳайратим ошди. Ор-номус хисси бебаҳо туйғу. Лекин аёлдаги ғурур, орият унинг турмуш ўртоғи — эркак кишида топилмаса, шунча йиллик ёстикдоши, ҳаётининг оғир кунларидаги ҳамроҳи, болаларининг онасини ўзи яшаган, никоҳдаги маҳр эвазига берилган уйдан ҳайдаб чиқаришга, оғир кунда ташлаб қўйишга уялмаса нима қилиш мумкин?

— Мен сизга бошимдан ўтганларни бежиз гапириб бермадим, — Сапура аянинг дардли товуши эшитилди яна гўшақдан. — Инсоният яратилдики, эркак оиланинг устунлиги, соҳибни ҳисобланади. Ва рўзгорнинг асосан иқтисодий таъминоти унинг зиммасига юклатилган.

Албатта, оиладаги ҳурмат-иззати ҳам шунга яраша бўлган. Афсуски, кейинги пайтда менинг турмуш ўртоғим каби фақат ўз ҳаловатини ўйлайдиганлар учраб турибди. Бу эса оилани саранжом-сарашта тутиш, фарзандлар тарбияси учун масъул аёлларимизни ўзлари учун номуноси ишлар — тижорат билан шуғулланган шаҳар-ма-шаҳар юришларига, ҳатто чет элларда ҳам йўллаб қолиб кетишларига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида эса айрим ичкиликка, гўёҳандликка ружу қўяётган, ўйин-кулгудан бўшамайдиган тақасалтанг ёшлар пайдо бўлмоқда. Менинг ҳаётим, фикрларим ҳақида газетга ёзсангиз. Зора, аччиқ хулосаларим бошқаларга ҳам сабоқ бўлса...

**Менинг ҳаётим, фикрларим ҳақида газетга ёзсангиз. Зора, аччиқ хулосаларим бошқаларга ҳам сабоқ бўлса...**

марта йиқилганимда оёқларим синди. Ҳозир қизимнинг уйидаман.

— Нега ўз уйингиздамасиз?

— Э, болам, ҳамма гап шунда-да. Дардимдан аламим кучли дедим-ку, сизга. Ўзим икки-уч жойда ишлаб, гишт қуйиб, лой ташиб қурган уйимни ўғлим ва невараларимни ҳам чиқариб юбориб эрим эгаллаб олган. Узидан анча ёш аёл билан яшайпти.

...Навбатдаги курортга кетиш олдида Файрат янги костюм олмаса бўлмаслигини айтиб, Сапурага берган ягона совғаси — тилла узукни сўрайди. Ҳозир сотиб кийиниб олай, сенга бундан ҳам яхчисини олиб бераман, дейди у. Содда аёл узукни очиб беради. Дам олиб келганидан анча ўтганидан кейин у хотинига озроқ пул беради. Қўшиб ўзинга узук олмасан, дейди ерга қараб.

— Мендан олган узукни ўша топган аёлига совға қилган экан, — дейди Сапура ая. — Ушанда соппасоғ юрган эдим. Ўз ташвишим билан бўлиб, эримдаги

Муборак МИРКАМолова

# Робинзон Крузо ҲАЁТДА БЎЛГАНМИ?

Даниэл Дефо машҳур адабий қаҳрамонининг ҳаётдаги прототиби шотланд денгизчиси Александр Селкирк-дир. Денгиз ва уммонларда сузишга болаликдан орзуманд Александр 19 ёшида қадрдон шабир Ларгони тарк этди. У 1703 йили қиролликнинг қароқчилар эскадрасига кирувчи «Cinque Ports» фрегатига Тинч океанининг Жанубий Америка қирғоқлари яқинидаги жангларда иштирок этди. Туғма истеъдод эгаси, аниқ фанларга иштиёқманд Селкирк тез орада кемадагилар ҳурматини қозонишга улгурди. Шу боис, у кема капитани Бразилия қирғоқларида ўлганидан сўнг янги капитан — Томас Страдлингнинг биринчи ёрдамчиси этиб тайинланди. Аммо шундан сўнг улар бирин-кетин омадсизликларга учрай бошлади, бойлик илчинидан кўп ойлик сузишлар бесамар кетди. Страдлинг ўқувсиз, аммо қаттиққўл одам эди. Ниҳоят уларнинг кемаси Чили қирғоқларига яқин Хуан-Фернандес оролларига етиб келди...

Страдлинг негадир омадсизликларни Селкиркдан кўрар, барча айбни унга тўнкар эди. Бу ҳолат очикчасига ўртада душманлик келтириб чиқарди. Кема Мас-а-Терра оролчаси яқинида лангар ташлаганда улар ўртасида навбатдаги жанжал келиб чиқди. Шундан сўнг Селкирк кемани тарк этиш ва ороллардан бирида қолишга аҳд қилди. У онгли равишда бу йўлни танлаганди, чунки Хуан-Фернандес оролларига онда-сонда бўлсада келиб турадиган инглиз ёки француз кемалари ёрдамда оролни тарк этишга умид боғлаганди.

Ўзи учун кўрпа-тўшак, болта, пичоқ ва албатта, керакли микдорда ўқ-дори гахлаб олган қаҳрамонимиз танҳоликда янги ҳаётни бошлади. Ўзига қулба тиклади, денгиз тошбакалари, балиқ ва қисқимбақалар овлаш, тановулбоп ўсимликларни излаш билан машғул бўлди, ҳатто ёввойи эчкиларни қўлга ўргатди. Аммо у кутган биронта кема келай демасди. Тўғри, бир сафар қирғоққа испан кемаси лангар ташлади. Аммо душман мамлакат денгизчиларидан хавотирланган Селкирк яширинишга қарор қилди. Такдирга тан берган Селкирк орол ҳаётига кўниқишга мажбур эди... Фақат орадан 4 йил ўтиб Вудс Рожерс бошчилигидаги иккита инглиз кемаси оролга сузиб келди. Соч-соколи ўсиб кетган, эчки терисига бурканиб беҳуш ётган Селкирк кемага келтирилганидан сўнг орадан кўп вақт ўтгачина зўрга гапира олди. Унинг сўзлари асосида Рожерс журналларнинг бирида чоп эттирган ҳикоя айнан Дефонинг машҳур романи учун асос бўлиб хизмат қилди. Инглиз ёзувчиси томонидан тилга олинган орол ҳозир Робинзон Крузо номи билан аталади.



## МОВИЙ РАНГЛИ ҚОН БОРМИ?

XVII аср ўрталарида таниқли голланд табиатшунос-тадқиқотчиси, микроскопия соҳаси асосчиси Антони ван Левенгук инсон қонидаги эритроцитларни аниқлаганди. Эритроцит таркибида гемоглобиндан ташқари калий, магний, рух, азот, кислород, глюкоза, витаминлар, натрий, кальций, темир, алюминий, антиген ва ферментлар мавжуд. Гемоглобин — эритроцитнинг асосий ташкил этувчиси, унинг улуши — 1/3. У глобин оқсиланинг тўрт темир атоми ва бошқа элементлар билан ўзаро таъсирланувидан шаклланади. Айнан темир оксиди туфайли гемоглобин қизил тусга қиради.

Барча умуртқали жониворлар, баъзи ҳашаротлар ва моллюскаларнинг қон таркибида темир оксиди мавжудлиги боис уларнинг қони ҳам қизил рангда. Денгиз чувалчанглари қонида кўпроқ хлорокруорин ва чала оксид (темир II оксиди) устунлик қилади ва қон рангининг яшил бўлишини таъминлайди. Шунингдек, мовий қонли жонзотлар ҳам бор. Улар — чаёнлар, ўргимчлар ва денгиз саккизоёқлари.

● BU – QIZIQ!

## АМБАНИ БАДАВЛАТЛАРНИНГ БАДАВЛАТИ


Нихоят, 2007 йилги дунё бойлари рейтингинда ўзгариш содир бўлди. Ўн тўрт йилдан буён ушбу рейтингда биринчиликти қўлдан бермай келаётган Microsoft компанияси эгаси Билл Гейтсдан ривожланаётган мамлакатлар миллиардерлари ўзиб кетишди.

Жорий йилнинг августда Гейтсни мексикалик миллиардер, America Movil телекоммуникация компанияси эгаси Карлос Слим орта қолдирди – Fortune журнали айнан шу инсонни дунё бойлари рўйхатининг бошига қўйган эди. Энди эса уни ҳинд миллиардери Мукеш Амбани қуйиб ўтди. Амбанининг бойлиги 63,2 миллиард доллар бўлиб, Слимникидан 2 миллиард долларга кўпдир. У бу натижага ўзининг Reliance Industries нефт-кимё компанияси ҳамда Reliance Petroleum Ltd. ва Reliance Industrial Infrastructure шўъба компанияларининг акциялари нархи ошиши ҳисобига эришди.

Ҳозир дунё бойларининг беш нафар етакчиси шу тарзда ўрин олган: Мукеш

Амбани (Ҳиндистон) – 63,2 млрд. доллар, Карлос Слим (Мексика) – 62,2993 млрд. доллар, Билл Гейтс (АҚШ) – 62,2 млрд. доллар, Уоррен Баффет (АҚШ) – 55,9 млрд. доллар, Лакшми Миттал (Ҳиндистон) – 50,9 млрд. доллар.

Дунёнинг энг бадавлат кишиси бўлиб олган Амбани нафақат Ҳиндистонда, балки жаҳонда тенги йўқ энг катта уйга эга бўлмоқчи. У ниятига эришиш учун ҳатто Франциядаги Версал саройидан ҳам ҳашаматли ҳисобланаётган 27 қаватли (баландлиги 173 метр бўлган) иморат қурилишини бошлаб юборди. Британияда чоп этиладиган "Гардиан" газетаси маълумотига қўра, бинода катта боғ, уй театри учун сахна, икки қаватли соғломлаштириш клуби, вертолёт майдончаси, шунингдек, меҳмон кутиш учун ойнаванод кошоналар бўлади. Мумбайнинг нақ марказида қад ростлайди-



ган ушбу дангиллама уйда Амбани, унинг онаси, аёли ва уч нафар фарзанди ҳамда турли хизматлардаги 600 ходим истиқомат қилади. Улар ҳозирда яшаб турган ўн тўрт қаватли уйдан келгуси йилда кўчиб ўтишади. Ҳинд Версалнинг қурилиши юқори суръатда олиб борилмоқда. Элижб ёшли магнат ўз орасидаги сарой учун миллиард доллар тиккан.

## АЛОКАЧИ ЛУФАТИ

● **Аппарат (техник) таъминот, АТ (ru – обеспечение аппаратное (техническое)), АО (en – hardware)** — ЭХМ, ташқи қурилмалар, терминаллар ва абонент шахобчалари, у ёки бу тизимларнинг ишлаши учун зарур бўлган телекоммуникациялар воситаларини ўз ичига олувчи техник воситалар тўплами.

● **Дастурий таъминот, ДТ (ru – обеспечение программное, ПО, en – software)** — Ахборотлашлов бериш тизимлари дастури ва бу дастурларни ишлаштиш учун зарур бўлган дастурий ҳужжатлар мажмуи.

● **Дастурий маҳсулот (ru – продукт программный, en – software product)** — Фойдаланувчига етказиш, узатиш ва сотиш учун мўлжалланган дастурий воситалар.

● **Протокол (ru – протокол, en – protocol)** — 1. Икки ёки бир неча мустақил қурилмалар ёки жараёнлар ўртасида маълумотларни узатишнинг формати ва жараёнини тартибга солишчи қоидалар ва битимлар мажмуи.

**Изоҳ** — Стандарт протоколлар турли амалиёт тизимларида ишловчи ҳар хил компютерларнинг ўзаро боғлиқлигига имкон беради.

2. Ахборот тизимларидаги маълумотларнинг оқимини аниқловчи қоидалар тўплами.

● **Хавфсиз уланишлар протоколи (ru – протокол безопасных соединений, en – secure sockets layer, SSL)** — Ўзаро ҳамкорлик қилувчи томонларни аутентификациялаш ва TCP/IP тармоқларида, интернетни қўшган ҳолда, трафикни шифрлаш учун протокол.

**Изоҳ** — Одатда SSL протоколдан браузерлар ва Web-серверлар ўртасида ҳимояланган уланишларни, уларнинг махфийлиги, аутентификацияси ва маълумотларни айирбошлашнинг тўлиқлигини таъминлаган ҳолда тузиш учун фойдаланилади.

● **Ҳимояланган транзакция протоколи (ru – протокол защищенных транзакций, en – secure electronic transaction, SET)** — Битимлар тўғрисидаги ахборот махфийлигини сақлашнинг юқори даражасини, тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг бутлигини ва тармоқ доирасида амалга ошириладиган магнитли ва интеллектуал карталардан фойдаланиб тўлов амалиётлари барча иштирокчиларининг аутентификациясини, шу жумладан, интернетни ҳам, таъминловчи оқик стандарт.



## СОВҒАМНИ ОЛМАСАНГ, КЎРАСАН!

Япониядаги кийим-кечак сотишга мўлжалланган интернет-дўконлардан бирининг ходими бошлиғи совғасини олмаганини ўзига нисбатан ҳақорат сифатида қабул қилди.

Раҳбарнинг совғага ҳатто қиё ҳам боқмагани ходимнинг жаҳлини чиқариб юборган ва у аччиқ устида офисдаги 22та компютерни уриб синдирган.

Осака шаҳрида бўлиб ўтган бу воқеа судгача бориб етди. Суд жараёнида маълум бўлишича, 31 ёшли ходим мармелад солинган қўтини компания президенти га ҳеч қандай ғаразли мақсадни кўзламаган ҳолда совға қилган. Раҳбар эса қўл остидаги ходимдан совға олишни ўзига эп кўрмаган. Бундан жаҳли чиққан ходим раҳбар бинодан чиқиши билан аламини компютерлардан олган.

## КАЛАМУШ БЎЛГАНИДА ЕМАС ЭДИМ

Гуанчжоу ошхоналарининг бирига тушлик қилишга келган хўранда гоёат ноқулай вазиятга тушиб қолди. Унга келтирилган ликолчадаги овқат ичидан ўлик каламуш чиқди.

Узунлиги 3-4 см. келадиган бу митти каламушнинг туқлари йўқлиги унинг янги туғилганидан дарак бериб турарди. Бош ошпаз бу "топила"ни гўшт бўлаги эканлигига хўрандани ишонтирмоқчи бўлган. Бу жавоб атрофдагиларни янада ажаблантирди, чунки помидорли-тухум шўрвада гўштининг бўлиши мумкин эмасди. Нима қилишини билмай қолган бош ошпаз каламушни барчанинг кўз олдида еди ва машаашага шундай чек қўйди: "Агар бу каламуш бўлганда, мен уни емаган бўлардим. Шундай экан, еганим гўшт бўлагидан бошқа нарса эмас!"



## ● QANDOLATCHILIK SABOQLARI

### САБЗИЛИ КОКТЕЙЛ

Масаллиқлар: 0,5 литр сут, битта ванилли муқаймоқ, 100 мл. сабзи шарбати.

Барча масаллиқни бир идишга солиб, 40 сония миксер ёрдамида аралаштирасиз. Қарабсизки, муздеккани чанқобосди ичимлик тайёр!

### ШАКАРСИЗ КОМПОТ

Ёзда қиш

га минн  
ейиш учун  
аёлларимиз  
мураббо  
тайёрлашга,  
компот кон-  
сервалашга  
ошиқадим.

Аммо ҳам мураббо, ҳам компот тайёрлаш учун шакар сотиб олишни чўнтагингиз кўтармаслиги мумкин. Буни ўйлашга ҳожат йўқ. Сиз мураббони кўнглингиздагидек тайёрлаб олаверинг. Компот консервалаш учун шакар шарт эмас! Бунинг учун стерилланган банкаларга хоҳлаган меваларингиздан солинг. Устидан қайнаб турган сувни қуйиб, 10 дақиқа банканинг ўзи билан ҳам қайнатиб оласиз (бунинг учун бирор сирли, катта идишга сув қайнатиб, банкаларни солишдан олдин ичига эски сочиқ ёки мато қўйинг).

Бу компотни қишда ўзингиз хоҳлагандек шакар аралаштириб ичаверингиз мумкин.



## ● BILASIZMI?

□ "Робот" сўзини чехиялик машҳур фантаст ёзувчи Карел Чапек (1890-1938)нинг укаси Йозеф ўйлаб топган. Бу сўз чех тилидаги "robotnik", яъни "ишич" сўзидан олинган. Карел Чапек маъмур атамани илк мартаба ўзининг "Росумлик мукамал роботлар" (1920) пйессасида ишлатган.

□ 1907 йилда Лондон кўчалари бўйлаб ҳаракатланаётган автомобил тезлиги соатига 10 км.дан ошса, унинг ҳайдовчиси жаримага тортиларди.

□ Лифт қадимги Мисрда кашф қилинган.

□ 1774-1792 йилларда ҳукмронлик қилган Франция қироли Людовик XVI яхшигина муҳандис, чилангар ва соатсоз эди.

□ Рус императори Александр II (1818-1881) ўз вақтида шундай буйруқ чиқарган: янги қурилган кўприк устидан илк мартаба поезд ўтаётганида, ўша кўприкни қурган муҳандис унинг тагида туриши лозим. Мабодо кўприк кулаб тушса, муҳандис жазосини олади!

□ Энг қадимий узунлик ўлчовларидан бири — тирсак деярли ҳар бир халқда учрарди. Бу ҳақда милoddан олдинги V асрда яшаган тарихчи Геродот ҳам ёзиб қолдирган. Бир тирсак — тахминан 45 см.га тенг.

□ Инглизларнинг 91 сантиметрга тенг "ярд" узунлик ўлчови 1101 йилда Англия қироли Генрих I (1100-1135) томонидан муомалага киритилган.

□ Маълумки, бир дюйм 2,54 см.га тенг. "Дюйм" сўзи голландчадан "бош бармоқ" деб таржима қилинади.

□ Инглизларнинг энг кўп ишлатадиган узунлик ўлчов бирлиги бўлмиш бир фут роппа-роса 12 дюйм, яъни 31 см.ни ташкил қилади. "Фут"нинг инглизчадаги маъноси — "оёқ қафти".

□ Дунёдаги энг қисқа тақриз англиялик театршунос Уоллит Гиббсга тегишли. У "Мана сенга!" спектаклини томоша қилгач, атиги икки ҳарфдан иборат тақриз қолдирган экан: "Оҳ!"

□ Тахтта ўтираётганида айтилган энг ихчам нутқ қиролича Викторияга тегишли. У, "Мен яхши ҳукмдор бўламан!" деган, холос.

□ Немис математиги Петер Густав Дирихле (1805-1859) ўта камгап инсон эди. У ўғил кўрганга, қайночасига шундай телеграмма жўнатган: "2+1=3".

□ Дунёдаги энг қисқа васиятнома Карл Тойшем деган кимсага тегишли. Васиятнома бор-йўғи икки сўздан иборат: "Ҳаммаси хотинимга".



SPORT

BOXS

**АББОС АТОЕВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ**

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Аббос Атоев Чикагода ўтган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритди. У финал жангида россиялик Артур Бетербиевни 20:17 ҳисобида мағлубиятга учратди.



Аббоснинг ушбу улкан ютуғи терма жамоамизнинг умумжамоа ҳисобида 120дан ортиқ мамлакат орасида еттинчи погонани банд этишини таъминлади.

- Куйида жаҳон чемпионатининг барча ғолиб ва совриндорлари билан танишишингиз мумкин:
- 48 кг. 1. Цзоу Шимин (Хитой). 2. Гарри Танамор (Филиппин). 3. Нурдин Убаали (Франция) ва Амнат Руэнроэн (Таиланд).
  - 51 кг. 1. Раши Уоррен (АҚШ). 2. Сомхит Донгжохор (Таиланд). 3. Виченсо Пикарди (Италия) ва Самир Маммадов (Озарбайжон).
  - 54 кг. 1. Сергей Водолянов (Россия). 2. Энхбат Бадар-Ууган (Мўғулистон). 3. Макжо Арройо (Пуэрто-Рико) ва Жозеф Мюррей (Буюк Британия).
  - 57 кг. 1. Алберт Селимов (Россия). 2. Василий Ломаченко (Украина). 3. Якуп Килич (Туркия) ва Ли Ян (Хитой).
  - 60 кг. 1. Франки Гэвин (Буюк Британия). 2. Доменико Валентино (Италия). 3. Алексей Тищенко (Россия) ва Ким Сон Гук (КХДР).
  - 64 кг. 1. Серик Сапиев (Қозоғистон). 2. Геннадий Ковалев (Россия). 3. Масацугу Кавати (Япония) ва Брэдли Сондерс (Буюк Британия).
  - 69 кг. 1. Деметриус Андраде (АҚШ). 2. Нон Бунжун-нон (Таиланд). 3. Адем Киличчи (Туркия) ва Силаму Ханати (Хитой).
  - 75 кг. 1. Матвей Коробов (Россия). 2. Алфонсо Бланко (Венесуэла). 3. Бахтиёр Артаев (Қозоғистон) ва Сергей Деревяченко (Украина).
  - 81 кг. 1. Аббос Атоев (Ўзбекистон). 2. Артур Бетербиев (Россия). 3. Даугирдас Семиотас (Литва) ва Еркебуян Шиналиев (Қозоғистон).
  - 91 кг. 1. Клементе Руссо (Италия). 2. Рахим Чахкиев (Россия). 3. Жон Мбумба (Франция) ва Нияти Юйшан (Хитой).
  - +91 кг. 1. Роберто Каммарелле (Италия). 2. Вячеслав Глазков (Украина). 3. Ислам Тимурзиев (Россия) ва Чжан Чжилэй (Хитой).

**STOL TENNISИ ЎСМИРЛАР ТУРНИРИ**

Стол тенниси бўйича "Соғлом авлод учун" республика турнири ўсмирлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва спортга бўлган қизиқишни уйғотиш, халқро майдонларда муносиб иштирок эта оладиган спорт усталарини тайёрлаш мақсадида ташкил этилган.

Ушбу турнир тўрт йилдан бери аънавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Мазкур йиллар давомида турнир иштирокчилари сони ва савияси анча ортди. Турнирнинг бу йилги мусобақалари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги "Умид" спорт мажмуасида уюштирилди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 1-босқичда ғолибликни қўлга киритган жами 56 нафар 1994-1995 йилларда туғилган ўғил ва қизлар қатнашишди. Мусобақа иштирокчилари жуфтлик ва яқна тартибдаги мусобақаларда ўзаро беллашдилар.

Турнир ғолиблари "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси томонидан махсус тайёрланган кубоклар, дипломлар ва совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, ҳар бир турнир қатнашчисига ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

"Ўзбектелеком" АК "Ўзбектелеком Мобайл" филиали жамоаси филиалнинг Наманган боғламаси бошлигининг молиявий масалалар бўйича ўринбосари Музаффар Содиқовга онаси

**Озодаҳон ИСОҚОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Коллектив филиала «Тошкент телеграф-телефон станцияси» виражаёт искрнеее соболезнование семье и близким в связи с кончиной работника филиала

**ШТАНЧАЕВА Александра** Насруллаевича.

**FUTZAL ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗДА БРОНЗА**



Макаода ўтаётган Осиё ўйинлари таснифига кирмайдиган спорт турлари бўйича II Осиё ўйинларида фўтзал бўйича эркаклар ва аёллар терма жамоаларимиз бронза медалларига эга бўлишди.

Икки терма жамоамиз ҳам ярим финалда таиландлик рақибларига имкониятни бой беришди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсларда эркаклар терма жамоамиз Хитой терма жамоасини 3:2, аёллар терма жамоаси эса Вьетнам фўтзалчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учраттишди.

**FUTVOL ЎЗБЕКИСТОН – "АГРИБАНК КУБОГИ" ҒОЛИБИ!**

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Вьетнамда ташкиллаштирилган "Агрибанк Кубоги" мусобақасининг бош совринини қўлга киритди.

- 1-тур.**  
**Вьетнам – Ўзбекистон – 1:2**  
 Голлар: Марат Бикмаев, 8 (0:1), Тан Бин, 67 (1:1), Собир Усмонхўжаев, 80 (1:2)  
**Финляндия – Зимбабве – 3:2**  
**2-тур.**  
**Ўзбекистон – Финляндия – 2:0**  
 Голлар: Садриддин Абдуллаев (2 та).  
**Вьетнам – Зимбабве – 2:0**  
**3-тур.**  
**Ўзбекистон – Зимбабве – 1:1**  
 Голлар: Марат Бикмаев, 53 (1:0), Кингстоун Нихата, 87 (1:1).  
**Вьетнам – Финляндия – 1:2**  
 Мусобақада 7 очко билан ғолибликни қўлга киритган олимпиячиларимиз "Агрибанк Кубоги" билан бирга, турнир ғолиби учун таъсис этилган 40000 АҚШ доллари миқдоридаги мукофот пулига ҳам эга бўлдилар.

**ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАНДИ**

Тошкентда ёшлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш босқичининг "D" гуруҳи баҳслари бўлиб ўтмоқда. Унда Ўзбекистон, Иордания, Яман ва Непал терма жамоалари ўзаро баҳс олиб бормоқда.

- Биринчи тур натижалари куйидагича:  
**ЎЗБЕКИСТОН – ЯМАН – 1:0**  
 Гол: Даврон Мирзаев, 76  
**ИОРДАНИЯ – НЕПАЛ – 2:0**  
 Голлар: Амир Абухвати, 2-пен., Муҳаммад Шишани, 51.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
 Абдусайд КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
 (Бош муҳаррир ўринбосари)  
 Бахтиёр КУБЕЕВ  
 Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ  
 Миродил САНГИЛОВ  
 Шуҳрат СОДИҚОВ  
 Лутфилло ТУРСУНОВ  
 (масъул котиб)  
 Асаджон ХЎЖАЕВ  
 Рустам ҚОСИМОВ  
 Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
 Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
 Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
 Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
 Факс: 136-36-42.  
 E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
**Муаллифларнинг фикрлари таҳрирнинг фикридан фарқланishi мумкин.**

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал — ❶**

Реклама матнларининг тўғрилиги таҳрирнинг жавобгар эмас.

**Рақам ва давлатларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмаҳонасида чоп этилди.  
 Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.


1053-G сонли буюртма.  
 Офсет усулида босилди.  
 Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.  
 Адади: 7217 нуска.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
 Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.  
 Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
 UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
 Босишга топширилиши вақти — 20.00.

## KROSSVORD



S.A.

## ЭНИГА:

1. Кенг оммалашиб кетган қўшиқ, 3. Атмосфера босимининг пасайиши. 10. Шахмат (қадимда). 11. Биринчи, голиб, пешқад (спортда). 14. Француз адибаси Аврора Дюпеннинг тахаллуси — Жорж ... 15. Ер шарининг энг устки қаттиқ қатлами. 16. Думи ингичка япалоқ балиқ. 19. Яқинда мамлакатимизда чоп этила бошланган илмий-оммавий нашр. 22. Муз устида тез ҳаракатланишни таъминловчи восита. 23. Славянча эски исми. 24. Бразилия ва Анголаи ушбу океан ажратиб туради. 25. Ботаниканинг сув ўтларини ўрганувчи бўлими. 30. Россия футбол жамоаси. 32. Марс йўлдоши. 33. Теодор Драйзер қаламига мансуб роман. 36. Ҳинд аёлларининг миллий кийими. 37. Русларнинг торли чолғу асбоби. 38. Донли экин. 39. Камонга ўхшаш қадимий қурол. 41. Йирик уммон жонзоти. 43. Денгиз қуши. 44. Асарнинг яқунловчи қисми.

## БҲЙИГА:

2. Париждаги машҳур музей. 4. Гоголнинг "Ревизор" комедияси персонажларидан бири. 5. Почта-транспорт хизмат тури. 6. Кўп торли украин халқ мусиқа асбоби. 7. Мева. 8. Юз, бет, афт-ангор. 9. Урта Ер денгизидagi Францияга қарашли орёл. 12. Урта асрларда подшоҳ ёки хон саройидаги мансабдор. 13. XII-XIII асрларда айрим Яқин Шарқ давлатларида ҳукмдор унвони. 17. Табиатшунос олим, рус адабий тили асосчиси. 18. Математика бўлими. 20. Иқтисодий синиш — ...лик деб аталади. 21. Кичик шеърлик қисса, манзума. 26. Милоннинг I асри иккинчи ярмида Рим салтанатини бошқарган император. 27. Суд ҳукмини қайта кўриб чиқиш учун мурожаат. 28. Янги тош даври. 29. Энг майда қуш. 31. Епиқ шаклдаги ўқув юрти. 34. Милоддан аввал тахминан 625—547 йилларда яшаган юнон мутафаккири, антик фалсафа ва фан асосчиси. 35. Амазонка, Нигер, Колумбия дарёлари ...га қуйилади. 40. Кўпайтириш маъносидa қўлланилувчи сифат. 42. Маиший техника соҳасидаги таниқли хорж компанияси.

ЖАВОБЛАР ЭНИГА: 1. Шерар, 3. Циклон, 10. Шаранж, 11. Чампик, 14. Санд, 15. Литосфера, 16. Скал, 19. Ирмоқ, 22. Конки, 23. Фобос, 24. Латвия, 25. Арктика, 30. Торпеда, 32. Фобос, 33. Титан, 36. Сари, 37. Балаянка, 38. Сули, 39. Арбуз, 41. Калашот, 43. Гагарин, 44. Шинор.

БҲЙИГА: 2. Лувр, 4. Осин, 5. Ломоносов, 7. Анжир, 8. Каштан, 9. Кориня, 12. Ясавул, 13. Отабек, 17. Ломоносов, 18. Нефиса, 19. Кориня, 21. Баллада, 27. Ангелия, 28. Неонил, 29. Топология, 20. Банпорт, 21. Баллада, 27. Ангелия, 28. Неонил, 31. Циклон, 34. Фарес, 35. Океан, 40. Аяна, 42. Ардо, Колонри, 31. Циклон, 34. Фарес, 35. Океан, 40. Аяна, 42. Ардо.

## 2008 йилга обуна давом этади!

«Xabar» газетаси таҳририяти  
2008 йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш  
ва ўқувчилари сафини янада кенгайтириш мақсадида  
ҳар йилгидек эълон қилган

## ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Танлов шартига кўра «Xabar»га:

1500 нусхада тўла бир йиллик обуна ташкил этган:

— «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиалларининг ҳар бири —  
**РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР ва ВИДЕОПЛЕЕР;**

— Агентлик ҳудудий бошқармаларининг  
ҳар бири — **РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР;**

— 200 нусхада тўла бир йиллик обуна  
ташкил этган туман почта алоқаси тармоқлари —  
**200 МИНГ СЎМ;**

— 100 нусхада тўла бир йиллик обуна уюштирган  
почта алоқаси бўлимлари —  
**125 МИНГ СЎМ билан муқофотланади.**

Шунингдек: 1000 нусхада тўлиқ бир  
йиллик обуна ташкил этган:

— «Ўзбектелеком» АК тизимидаги  
филиалларининг ҳар бири — **РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР;**

— «Матбуот тарқатувчи» АКнинг вилоятлардаги  
жамият ва шўъба корхоналарининг ҳар бири —  
**РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР;**

— Алоқа соҳасидан бошқа ташкилот, корхона ва  
муассасалардан энг кўп обуна ташкиллаштирган  
хабарчи ёки обуна билан шугулланадиган махсус ходим  
(агент) — **50 МИНГ СЎМ билан тақдирланади.**

Танловда фаол иштирок этган ташкилот ва корхоналарга ҳам таҳририят ўзининг  
МАХСУС СОВРИНЛАРИНИ тақдим этади.

Обуна мавсуми яқунларига кўра танлов голиблари газетада эълон қилинади.

Телефонлар: 133-80-20, 133-36-48, 136-36-42.

Обуна мавсумида фаол иштирок этинг ва муқофотларни қўлга киритинг!

## ХАНДАЛАР

Шунчаки  
билмоқчи эдим

Хотинидан ҳақли  
чиққан эр бақира  
кетди:

— Бу уйда ким  
хўжайин?!

Хотини хотир-  
жам жавоб берди:

— Мен, нимаиди?  
— Узим, шунчаки  
билмоқчидим-да.



Иккинчи марта уйланган йигит  
тўйдан кейин келинга деди:

— Жонгинам, сизга бир камчили-  
гимни айтиб қўяй. Шу десангиз, са-  
бабсиз рашк қиладиган одатим бор.

Келинчак ҳам тиржайиб жавоб бе-  
рди:

— Азизим,  
ҳеч хавотир-  
ла нманг,  
сизни сабаб-  
сиз рашк қил-  
дирмайман.



## Табрик.ай.уз!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ  
Қорақалпоқ филиали  
Хўжайли почта алоқаси тармоғи  
жамоаси Саринқул алоқа бўлими  
хабарчиси Уринбосар  
НУРБОЕВни муборак 50  
ёши билан чин қалбдан табриклайди.  
Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ,  
ишларида омад тилайди.